

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ- ТЕРМИЗИЙ.*Валиева Ҳадияхон**Наманган вилояти тарихи ва маданияти**давлат музейи илмий ходими*

Ат-Термизийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заххок Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, ухижрий 209 мелодийда 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Шеробод ноҳияси ҳудудида жойлашган қишлоғида қамбағал бир оилада дунёга келади. Ўрта Осиёлик тарихчи Абу Саад Абдулкарим ас-Саъмоний (1113-1167) ат-Термизий Буғ қишлоғида вафот этганлиги учун ал-Буғий тахаллуси билан ҳам аталгани ҳақида ёзади. Олим умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлиги сабаб бўлса керак, уни аз-Зарийр (кўзи ожиз) деб ҳам аташган. Лекин халқ орасида ат-Термизий номи билан машҳур. Ат-Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган, фақат тарихчилар унинг "бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар", деган фикрини келтириш билан чегараланади. Ат-Термизий ёшлигидан ғоятда тиришқоқ, идрокли ва закий бўлиб, бу хусусиятлари билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларидан илмга ўта қизиқиши ва иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса ҳадис илмини чуқур эгаллашида намоён бўлди. У анча ёшлигидан Термиз, Самарқанд, Марв, ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уломолар ва муҳаддислар асарларини кунт билан ўргана бошланган. Балх ва Хайратон шаҳарларидаги илм аҳиллари билан илмий алоқаларнинг ўрнатилишида ҳисса қўшган термизлик олимлардан биридир. Илм-фанга ташна узоқ юртларга қатор хорижий мамлакат ва шаҳарларга сафар қилади. У Хижозда Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросон ва бошқа қатор шаҳарларда бўлади. Ушбу жойлардаги кўплаб муҳаддислар, уломолар билан мулоқатда бўлиб, улардан таълим олади. Қизғин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Узоқ йиллар давом этган сафарларда нафақат ҳадислардан балки фикх, тарих ва фаннинг бошқа соҳаларидан ҳам кўплаб устозлардан сабоқ олиб ўз билмини оширади. Булар ҳаммаси ал-Термизийнинг ўз даврининг йирик олим даражасига етишида мустаҳкам замин тайёрлаганидан далолатдир. У ёшлигидан қизиққан ҳадисларни тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада бир қанча қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадиснинг асли ва исбодини изчиллик билан аниқлагач, қайта-қайта

текшириб тўғрилигига тўлиқ қаноат ҳосил қилгач, уларни алоҳида қоғозларга қайд қилиб борган. Эшитган ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа ва иккиланиш бўлганларини ҳам ажратиб батартиб ёзиб борган. Шу тариқа ҳадисларнинг тўғрилиги, тадқиқ қилинганлари ёки шубҳалилари турли табақаларга бўлиниб ажратилган. Ҳадис илмини ўрганишда кўплаб ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Башшод, „Али ибн Хожар ва бир қатор таниқли муҳаддисларни унинг устозлари сифатида кўрсатиш мумкин. Имом ат-Термизий ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан кўплари олимлар бўлиб етишиб чиққан. Ат Термизийнинг зеҳни ўткирлиги, хотираси ҳамда ёдлаш қобилиятининг кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан Араб тарихчиси Шамсиддин аз-Заҳабийнинг (1274-1347) ”Тазкират ул-ҳуффо” номли асарида қуйидаги ҳикоя келтирилади. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага хажга бораётиб, йўлда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашади ва мулоқатда бўлади. Шундай олимлардан биридан ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилган. У олим- бўлмаса қоғоз қалам ол,-деган аксига олиб шу пайт қалам тополмаган, олим рўпарасига ўтириб, эшитган ҳадисларини ёзиб оладигандек қоғоз устида қўлини ҳаракат қилдираверган. Олим 60 га яқин турли-туман ҳадисларни ҳикоя қилган. Шу орада олим қоғозга қараб унда ҳеч қандай ёзув кўрмаган ва ат-Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиқиб,-Сен мени вақтимни бекорга йўқотмоқчимсан, деб койиган. Ат-Термизий бўлса бамайлихотир “Сиз айтган ҳадисларингизни ёддан айтиб берайми деган-у, ҳозиргина олимдан эшитган адисларни ҳаммасини айнан айтиб берган. Ат-Термизийнинг хотираси кучлилигидан олим ҳайратга тушиб ёқа ушлаган экан. Бу хусусда яна бир ҳикоя ат-Термизийнинг сўзига асосланиб келтирилади. Маккага кетиётганимда бир шайх тўплаган ҳадислардан икки қисмини ёзиб олган эдим., тасодифан ўша шайх билан учрашиб қолдим. Менинг ёнимдаги ҳадислар уларга ўхшашу лекин бошқа ҳадислар экан. Мен унинг ёнига бориб салом –алиқдан кейин ундан ҳадисларни айнан унинг ўз оғзидан эшитишни илтимос қилдим. У бунга рози бўлиб, ёддан ҳадисларни ҳикоя қила бошлади. Кейин менга қараб қўлимдаги оқ қоғозни тоза, яъни ҳеч нарса ёзилмаган ҳолда кўргач:-бу қилиғинг учун мендан уялмайсанми-деди. Мен сиз ҳикоя қилган ҳадисларни ҳаммасини ёддан биламан-дедим ва уларни сўзма-сўз айтиб бердим. Шайх эса сўзларимга ишонқирамай менинг олдимга келишдан олдин ёдлаганмидинг-деди-йўқ, деб жавоб бердим. Агар сўзларимга ишонмасангиз бошқа ҳадислардан айтинг,-дедим. У ҳадисларидан 40 тасини ҳикоя қилди. Мен уларни ҳам бирма-бир бошидан

охиригача айтиб бердим, Шунда у:-Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим,-деди.

Ат-Термизийнинг хорижий мамлакатларга қилган сафари узоқ йилларга чўзилган, сафарлар чоғида ҳадисларни тўплаб китоблар қилишга ҳам киришди. Ҳамда олимлар, муҳаддислар билан мулоқатда бўлди. Унинг машҳур асари “Ал Жомий” ҳам ўз Ватанига қайтгандан кейин ёзилган. Бу асар унинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, “Ал Жомий ас-Саҳийҳ” (Ишончли тўплам), Ал Жомий ал-кабийр (Катта тўплам), “Саҳийҳ ат-Термизий”(Термизий суннатлари) номлари билан ҳам юритилади. Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири “Аш-Шамоил ан-набавия”(Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари)дир. Бу асар “Аш-Шамоил Муҳаммадия”, “Аш-Шамоилфи шамоил ан-Набий саллаллоху алайҳи васаллам “номлари билан ҳам юритилади Ушбу асар ҳозирги пайтда Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошимиз Саид Маҳмуд Тирозий томонидан бажарилган ўзбекча таржимаси (араб алифбосида) Тошкентда нашр қилинди. “Китоб ал-Илал”(ал илалассағийр ва ал-илал ал-кабийр),”Китоб ат-Таърих”,”Китоб уз-Зухд”(Тақво ҳақида китоб”),”Китоб ал-асмо ва л-куна” (Ровийларнинг исм ва лақаблари ҳақида китоб) ва бошқалардир Термизий ёзиб қолдирган асарлари ҳам ҳозирги ҳамон илм-фани учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Унинг “Ал-жомеъ ас –саҳийҳ”, “Аш-шамоил ан-набавия”каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга га бўлиб,инсонларни ҳалоллик, адолат,эътиқодли ,диёнатли покиза, меҳнатсевар,мурувватли, раҳм-шавқатли, ота-она ,авлиёларга нисбатан ҳурматда бўлишга чорлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзб 1 п Каримов И. Миллий мафкура - мамлакат келажаги пойдевори. “Халқ сўзи” газетаси, 7 апрел, 2000 йил.
2. Ўзб 1 п Каримов И. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Т.”Шарқ”, 1998.
3. Ўзб 1 п Каримов И. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” “Ишонч” газетаси, 25 январ 2000 йил.
4. Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома) Т. ”Шарқ”, 2000.
5. Ўзбекистон тарихи (1-қисм), Т.”Университет”, 1997.
6. Ўзбекистон тарихи (талабалар учун қисқача Маърузалар матни), Т., “Университет”, 1999.
7. www.ziyonet.uz
8. www.pedagog.uz